

АБДУЛҲАЙ ТУРСУН

НИКОҲИНГИЗ
МУБОРАК
БЎЛСИН



Тошкент 2017

УЎК 173
КБК: 87.7
Т 91

Ушбу китобчада оила қуриш давридан бошлаб, унинг давомли, бахтли-саодатли бўлиши, уни сақлашга қаратилган энг муҳим масалалар баён этилган. Никоҳнинг муқаддаслиги, никоҳ муносабати билан билдириладиган тилаклар, дуолар келтирилган. Оилада эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қисқача баён қилинган.

Турсун, Абдулхай

Никоҳингиз муборак бўлсин / А. Турсун; Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2017. – 40 б.

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз МАНСУР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 29 сентябрдаги
4893-сонли хулосаси асосида наширга тайёрланди*

ISBN 978-9943-12-393-9

© Абдулхай Турсун
© «Movarounnahr», 2017

Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш – авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ислом Каримов

Сўзбоши ўрнида

Оила – инсоният учун буюк неъмат. Эркак ва аёлнинг хоҳиш-иродаси билан оила таркиб топгани каби жамият, давлат ҳам мустақкам оилалар негизида вужудга келган. У – ҳаёт чароғбони, фаровон, гўзал ҳаётимиз гаровидир. Муқаддас динимиз Исломда оилага алоҳида эътибор қаратилган ва унинг қадрқиммати, ахлоқ-одоби борасида тартиб ва қоидалар батафсил баён қилинган.

Ўзбек оиласининг шаклланиш тарихи халқимизнинг кўҳна тарихи билан уйқашдир. Шарқ оиласи, жумладан, ўзбек оиласининг шаклу шамоийли, сийрати, маънавий ола-

мининг шаклланишида, айниқса, ислом ақидаларининг таъсири беқиёс. Азал-азалдан оила бошлиғи бўлган эркакка ҳурмат-иззат, оиладаги ўзига хос ўрни алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб келган. Аёл умр йўлдошига муносабатда шарм-ҳаё, андиша, меҳр-шафқат, иффат ва бошқа фазилатлари билан фарзандларини камол топтирган. Бу билан меҳрибон она фазилатлари алоҳида эътиборга молик бўлган. Бундай хислатли аёллар бека бўлган оилаларда тотувлик, ҳамжихатлик қарор топиб, фарзандлари эл-юрт таҳсинига лойиқ инсонлар бўлиб вояга етишган.

Ушбу китобчада оила қуриш давридан бошлаб, унинг давомли, бахтли-саодатли бўлиши, бу муқаддас гўшани сақлашга қаратилган баъзи бир маълумотлар тақдим этилди. Шояд ҳар бир оила баракотли бўлиб, жамиятда ўз ўрни билан барчага манзур бўлса.

Унда никоҳнинг муқаддаслиги, никоҳ орқали қурилган оиланинг муборак кошона эканлигини билдириб ўтдик.

Икки ёшнинг тўйларига ҳозир бўлганлар уларга яхши тилак, бахт-саодат сўраб дуо қилишлари, никоҳланувчиларнинг ўзлари ҳам Яратгандан ўзларининг иқболларини сўраб илтижо қилишлари лозимлиги эслатиб ўтил-

ди. Шунингдек, оилада эркак ва аёлнинг зиммаларидаги бажарилиши лозим бўлган шахсий вазифалар ёритиб берилди. Оилавий низоларга олиб борувчи сабаблар ва уларнинг олдини олиш йўллари ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ота-оналар ўз фарзандларининг никоҳига эътибор беришлари, бунга масъулият билан қарашларига умид қилиб баъзи мулоҳазаларни тақдим этдик.

Никоҳнинг муқаддаслиги

“Муқаддас” сўзини ишлатишга ҳар куни дуч келамиз. Дейлик, Каъба муқаддас, Ватан муқаддас, саждагоҳ муқаддас, илоҳий китоблар муқаддас... Дарҳақиқат, никоҳ ҳам муқаддас! Чунки уни Аллоҳ улуғлади ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эъзозладилар. Шундан келиб чиқадики, никоҳ ҳам зикр қилинган муқаддас неъматлардан экан.

Ислом динида оилага катта эътибор берилиб, уни қандай ташкил этиш, бошлиғи ким бўлиши, аъзоларининг ҳуқуқлари, фарзандлар тарбияси, умуман, оилавий ҳаётнинг барча масалалари атрофлича ўрганиб чиқилган.

Қуръони каримда оила ҳақида эллиқдан ортиқ оятлар мавжуд. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадиси шарифлари асосида битилган китобларда ҳам никоҳ тўғрисида алоҳида бўлимлар ўрин олган. Айни шу бўлимлар мақсадини кўз ўнгимизга келтирсак, мулоҳаза қилсак, никоҳнинг муқаддаслигини эътироф этамиз. Унинг эъзозига эришиб, оиламизнинг мустаҳкамлигига эга бўламиз, деган умидда қуйидаги ўғитларни келтирдик.

Никоҳни поймол қилишдан сақланинг

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ҳалол нарсалар ичида Аллоҳ энг ёмон кўргани талоқдир” (*Абу Довуд ривояти*).

Никоҳ пайғамбарларнинг суннатидир

Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Тўрт нарса пайғамбарларнинг суннатларидандир: ҳаё, хушбўй нарса сепмоқлик, мисвок ва оила қуриш”, яна бир ҳадиси шарифда эса: “Уйланиш менинг суннатимдир, кимки суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас”, деганлар (*Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким менинг табиатимни яхши кўрса, суннатимга эргашсин, албатта, никоҳ менинг суннатимдандир”, деганлар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Насл давомийлиги воситаси

Қуръони каримда Аллоҳ таоло никоҳ насл давомийлигининг муқаддас воситаси эканлигини баён қилиб бундай дейди: **“Аллоҳ таоло сизларга жуфтларингиздан фарзандлар ва набиралар яратди”** (*Наҳл, 72*).

Никоҳ Аллоҳ таоло наздида ибодатдир

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) никоҳ Аллоҳ таоло наздида ибодат эканлигини таъкидлаб: “Ҳар бирингизнинг тана аъзоларида садақа бордир”. Шунда саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ! Бирортамиз шаҳватини қондирса, бу нарсада унга ажр борми?” деб сўрашди. Айтдиларки: “Агар ҳаром йўл билан қондирганида гуноҳ бўлармиди? Демак, ҳалол йўл билан қондирса, ажр бўлади”, дедилар (*Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Аҳмад ривояти*).

Дунё лаззатларининг яхшиси

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дунё-

нинг барчаси вақтинча роҳату лаззатдир. Дунё лаззатларининг яхшиси солиҳа аёлдир”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Ризқни зиёда қилувчи омил

Қуръони каримда Аллоҳ таоло никоҳ сабабидан инсоннинг ризқи зиёда бўлишини баён қилиб бундай дейди: **“Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз. Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно Зотдир”** (*Нур, 32*).

Киши динининг ярми...

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) никоҳ киши динининг ярми эканлигини таърифлаб: “Қачон банда уйланса, динининг ярмини камол топтирибди, бас, қолган ярмида Аллоҳга тақво қилсин (яъни қўрқсин)”, деганлар (*Имом Аҳмад, Байҳақий, Табароний ривояти*).

Яхшилик қилувчи инсон деган ном...

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) никоҳ яхшилик қилувчи инсон деган номга эга қилишини таъкидлаб: “Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига яхшилик қилувчиларингиздир. Мен ҳам ўз аҳлимга сизлардан кўра яхши муомала қилувчиман”, деб марҳамат қилганлар (*Имом Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Хазина келтирувчи манба

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) никоҳ эркак кишига хазина келтирувчи манбаларга эга қилишини марҳамат қилиб: “Сизга киши тўплаши мумкин бўлган (хазина) ҳақида хабар берайми? (У) солиҳа аёлдир. Унга қараса, уни хурсанд қилади; унга амр қилса, итоат этади; ундан ғоиб бўлса, уни муҳофаза қилади”, деганлар (*Имом Абу Довуд, Ҳоким ва Байҳақий ривояти*).

Аллоҳдан кўрқишнинг фойдаларидан бири...

Абу Умома (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб: “Аллоҳ таолодан кўрқишдаги сўнгги фойда – солиҳа завжадан келадиган яхшиликдир. Унга буюрса, итоат этади, қараса хурсанд қилади, устидан қасам ичса, уни содиқ қолдиради ва ундан бирор жойга кетса, унга ўзида ва молида яхшилик қилади”, деганлар (*Ибн Можа ривояти*).

Шаҳвоний тажовуздан ҳимоячи

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) никоҳ инсонни шаҳвоний тажовуздан сақлашини баён қилиб: “Хотинларнинг ҳақиқа тажовуз қилишдан сақланинг, улар сизга ҳар хусусда ёрдамчидир. Уларни Аллоҳнинг амри билан ўзингизга ҳалол қилиб олинг”, деб марҳамат қилганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Муборакбод сабабчиси

Уқайл ибн Абу Толибдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) никоҳ инсонларнинг бир-бирларини муборакбод этишга муваффақ этишини баён қилиб: “Қайси бирингиз оила қурса, унинг ҳақиға никоҳинг муборак бўлсин, никоҳинг муборак бўлсин, деб табрик этинглар”, дедилар (*Табароний ривояти*).

Оила – муборак кошона

Никоҳ қурилгандан сўнг жамият пойдевори бўлган оилага асос солинади. Унинг бахтли-саодатли, мустаҳкам бўлиши эса икки томоннинг ҳаракатига боғлиқ бўлади. Шу маънода оила ва жамият тинч-тотув, фаровон бўлиши учун зарурий бир неча шарт-шароитларни ижро этиш лозим. Уларнинг барчаси оиланинг салоҳияти ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабдан динимиз оилага, уни барпо этиш омилларига катта эътибор қаратади. Бу “бино”ни меҳр-муҳаббат асосида ҳақиқат ва адолат заминига қуриб, мустаҳкамлаб, унинг бахтиёрлигига эришишга чорлайди.

Таъкидлаш жоизки, дунёдаги барча жонзотлар жуфт-жуфт яратилган. Жумладан, инсон ҳам жуфт яратилди ва ўзининг ақл-идроки билан оиласини қадрлаб, унинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур бўлгани учун бу гўшанинг ҳимоясига сафарбар этилди.

Оилавий муносабатларнинг асосий талабларидан бири оила қурган ҳар бир инсон жуфти билан иноқлик ва меҳрибонликда умр кечиришидир. Чунки оила аъзолари саодати

деганда ҳашаматли бино ёки қимматбаҳо уй жиҳозлари тушунилмайди. Балки чин саодат уларнинг соф имони, эзгу ишлари, ўзаро меҳр-муҳаббати, тинчлик-хотиржамлигига сабаб бўлган баракотлардир. Барча нарсанинг зийнати бўлгани каби оиланинг ҳам зийнатлари мавжуд. Қуръони каримда Аллоҳ таоло саодатли оиланинг зийнатлари тўғрисида хабар бериб: **“Одамларга аёллар, фарзандлар, уюм-уюм олтин-кумушлар, саман отлар, чорва моллари ва экинларга нисбатан меҳр қўйиш зийнатли қилиб қўйилди...”**, дейди (*Оли Имрон, 14*). Айтиш жоизки, уйдаги аёллар, фарзандлар, мол-мулклар, от-уловлар, чорва ҳамда экинлар саодатли оила соҳиби учун бахтдир. Бу билан шу жиҳатлари мукамал бўлган барча оилалар ўзларини саодат узра эканларини эътироф этиб, уларни асраб-авайлашда бошқаларга ибрат бўлиши даркорлиги келиб чиқмоқда. Бу муқаддас қоида ва асосларга риоя этиб, эрхотин ўз мавқе-манзилида умр кечиришлари таъкидланмоқда. Чунки шу йўл билан ҳаёт неъматини татиб, умр мазмунини тушуниб, жамиятда кутилган саодатли, мустаҳкам оилани барпо этишга эришилади. Муборак ўғитларда Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу

анху) ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саодатни таърифлаб: “Тўрт нарса саодатдандир: солиҳа аёл, кенг маскан, муносиб қўшни, қулай маркаб... Кимга шу неъматлар берилган бўлса, шукрини адо қилиши керак”, дейдилар (*Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ислом динида оилага катта эътибор берилиб, уни қандай ташкил этиш, унинг бошлиғи ким бўлиши, аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари, фарзандлар тарбияси, умуман, оилавий ҳаётнинг барча масалалари атрофлича ўрганиб чиқилган ва керакли кўрсатмалар берилган. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни диний ва дунёвий манбаларга суяниб, эътиборингизга ҳавола этамиз:

– оила кичик бир жамият. Мавжуд жамиятнинг дахлсизлиги оиланинг жипслигига боғлиқ;

– оила – турмуш мактаби, урф-одатларни, ҳаёт тарзини, ирода ва тафаккурни ўзида синовдан ўтказди;

– оила ахлоқ маданиятини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказди;

– оила жамият бўлиб яшашда бахтли турмуш тарзини, ақл-заковат, маънавий ахлоқ ва фазилатлар масъулиятини бурч сифатида шакллантиради;

– оила ўз олдига қўйган режаларини амалга оширишда моддий мукамалликка, маънавий камолотга, тарбиявий салоҳиятга суянади;

– оила ўзининг ёзилмаган низом ва қоида-сига эга бўлмаса, унинг салбий жиҳатлари бутун бир миллатга таъсир этади;

– оила инсоният тарихининг барча даврларида жамиятнинг асосий бўғини бўлган муборак даргоҳ;

– оила – жамиятда покиза насл давомийлигини сақловчи муқаддас даргоҳ;

– оила инсон ҳаётини турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан, бемаъни ахлоқлардан, салбий иллатлардан ва уларнинг ёмон оқибатларидан асрагувчи қалъадир;

– оила инсоннинг шаҳвоний майлини жиловлайди, унинг учун тизимли хотиржамлик ва саодатни таъмин этади;

– оила азиз неъмат бўлмиш фарзандларни тарбиялаб, улар онгига умуминсоний қадриятларни сингдириш учун бошланғич йўналиш беради;

– оила фарзандларни жамият ривожини учун ишлашга йўналтиради. Бу билан мамлакат иқтисодиёти, маданияти ва маърифати ривожига катта таъсир кўрсатади.

Яхши тилак – бахт-саодат гарови

Дуо (араб. – илтижо, чақириш, сўраш) – Аллоҳ таолодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, илтижо қилиш демақдир.

Шунга кўра никоҳ ва тўйга таклиф этилган ҳар бир киши никоҳ тўйида ҳозир бўлиб, унинг сабабчиси бўлган келин-куёвларнинг қураётган оилалари ҳақига бахт-саодат тилаб дуо қилиши Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларидан. Айнан шу суннат барча мусулмон халқлар маданиятининг ажралмас қисмига айланган.

Доно халқимиз “Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?” деб унинг фазилатига юксак баҳо берган. Ота-она, нуронийлар ҳамда дўст-қадрдонларнинг табрик ва дуосига мушарраф бўлиш сабабли кишининг бахт-саодати ҳамда умр ва ризқига баракот ёғилиши далил талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Диний ва миллий, ахлоқий таълим-тарбия талаблари яхшилик қилиш, унинг натижасида олқиш ва дуоларга эришиш ҳар бир киши учун лозимлигини таъкидлайди.

Демак, никоҳда ҳозир бўлиб, зиёфатга таклиф этилганлар келин-куёв учун Аллоҳ таолодан хайру барака ва бахтли ҳаёт кечи-

ришларини сўраб дуо қилишлари, уларни тўй билан табриклашлари жоиз. Айни шу суннатни ифода қилган ҳадиси шарифларни келтириб ўтамыз. Шу маъно ва мазмундаги Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг таълим-тарбиялари ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Шояд, ёшлар қураётган ҳар бир никоҳ абадий бўлса, бахт-саодатга эриштира.

Ҳасан (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилишича, Ақийл ибн Абу Толиб жусамлик бир аёлга уйланди. Унга “Муроса ва болалар ила”, дейилди. Шунда у: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек, “Аллоҳ сизларга муборак қилсин ва барака берсин” денглар», дейди (*Имом Насоий ривояти*).

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга уйланганларида онам келиб, мени ҳовлига олиб кирдилар. Қарасам, ансорий аёллар уйнинг ичида эканлар. Улар хайр ва баракали бўлсин. Энг бахтли ва насибали бўлсин”, дедилар (*Имом Бухорий ва Абу Довуд ривояти*).

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда у киши айтадилар: “Онам Умму Руммон (розияллоҳу анҳо) мени Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-

нинг олдиларига олиб кириб, ўтқазганлар ва: “Мана бу – аҳлингиз, ё Расулуллоҳ, Аллоҳ сизга буларни муборак қилсин”, деб муборакбод этганлар.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар сизларни никоҳ тўйига таклиф этишса, боринг”, дедилар (*Имом Муслим, Ибн Можа ривояти*).

Язид ибн Ҳамир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда у киши айтадилар: “Абдуллоҳ ибн Басар (розияллоҳу анҳу)дан эшитдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳим, уларга ризқ қилиб берган нарсангга барака бергин, уларни гуноҳларини кечиргин ва раҳм қилгин”, дедилар (*Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг одатлари, бирор киши уйланса: “Аллоҳ таоло сенга муборакли қилсин, сенга барака берсин, сизларнинг ўрталарингизни яхшиликда жамласин”, дер эдилар (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишининг никоҳига гувоҳ бўлдилар ва унга “Аллоҳ таоло сизларга ризқда, меҳр-муҳаббатда, кенгчиликда, яхшилиқда барака берсин”, дедилар» (*Имом Табароний ривояти*).

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) Фотима онамизга уйланганларида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло сизларни фазилатли қилсин, буюк қилсин, сизларга барака берсин, пок насларни берсин”, дедилар (*Имом Табарий ривояти*).

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилишича, Абу Талха (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузури шарифларига келганларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло сизлар ўтказган кечаларингизни баракотли қилсин”, деб дуо қилган эканлар. Абу Талханинг аёли ўша тунда ҳомиладор бўлиб, бош фарзанди ўғил бўлиб, шундан сўнг ўн нафар фарзанд дунёга келган экан. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дуолари шарофатидан уларнинг барчаси Қуръони каримни ёд олишга муяссар бўлиб, замонасининг сардорларига айланган экан.

Никоҳланувчиларнинг илтижо дуолари

﴿ هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُ ^ط قَالَ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ

ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴿٣٨﴾

“...Раббим, менга ўз хузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчидирсан” (Оли Имрон, 38).

﴿ رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي ^ج رَبَّنَا

وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ ﴿٤٠﴾

“Эй Раббим! Мени ва зурриётимдан (кўп фарзандларимни) намозни баркамол адо этувчи қилгин! Эй Раббимиз! Дуоимни қабул эт!” (Иброҳим, 40).

﴿ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا

فُرًّا عَائِبِينَ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا ﴿٧٤﴾

“...Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин!” (Фурқон, 74).

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا وَخَيْرَ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ
شَرِّهَا وَمِنْ شَرِّ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ

“Аллоҳим! Сендан унинг яхшилигини ва Сен унга берган ахлоқнинг яхшисини сўрайман. Ҳамда Сендан унинг шарридан ва Сен унга берган ахлоқнинг ёмонидан паноҳ сўрайман” (Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ривояти).

بِسْمِ اللَّهِ اللَّهُمَّ جَنِّبْنَا الشَّيْطَانَ وَجَنِّبِ الشَّيْطَانَ مَا رَزَقْتَنَا

“Аллоҳнинг номи билан: Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин, шайтонни бизни ризқлантирган нарсангдан четда қилгин” (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Эр бажариши лозим бўлган шахсий вазифалар

Муқаддас динимиз Исломда аёл мўътабар зот сифатида эъзозланади. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, ҳурматини жойига қўйиш билан жамиятдаги мавқеини юксалтиради. Эркакларни аёл кишига ҳурмат-эътиборда бўлишга тарғиб этади. Зеро, аёл – Яратганнинг буюк неъматидир, десак муболаға эмас. Оиласиз жамият, давлат бўлмагани каби, аёлсиз оилани ҳам тасаввур этиш қийин. Аёл – оила чароғбони, фарзандларимиз ҳомийси, фаровон, гўзал ҳаётимиз гарови, хонадонимиз файзидир. Шу маънода келтирилган тарғиблардан бири Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муомалада бўлганларингиз. Мен ҳаммангиздан кўра аҳли аёлига яхшироқ муомала қилувчингизман”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Айни шундай муомала маданиятига қаратилган ҳикматли сўзларни диний ва миллий адабиётлардан жамлаб, қуйидаги мулоҳазани фикрингизга ҳавола қилмоқдамиз. Уларга

эътибор қаратиб, оилаларимиз янада иқбол-ли, бахтли-саодатли бўлса ажаб эмас!

- аёлга ғамхўрлик қилиш;
- аёли билан тотув, иноқ яшаш;
- аёл билан мўътадил муомалада бўлиш;
- аёлнинг одоб-ахлоқига масъул бўлиш;
- аёлининг жинсий эҳтиёжини қондириш;
- фарзанд тарбиясида аёлига ёрдам бериш;
- аёлини турли ёмонликлардан асраб-авайлаш;
- озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш;
- аёлини ҳеч вақт эътиборсиз қолдирмаслик;
- оила жамғармасини исрофсиз амалга ошириш;
- аёлининг шаъни ва обрўсини омонат билиш;
- турар жой ва рўзғор асбобларини етарли қилиб бериш;
- никоҳ қилинган аёлга никоҳда белгиланган маҳрини адо этиш;
- фарзандларининг молиявий ва маънавий ҳолатини зиммасига олиш;
- эркак киши аёлига доимо гўзал ҳолатда кўринишга ҳаракат қилиши;
- аёлнинг сирларини ошкор қилмаслик, унинг ишончини йўқотмаслик;

– эр аҳли аёлининг ҳузурига кўчадан салом бериб кириши ҳамда уларнинг аҳволини ва кайфиятини сўраши;

– эр хотинини сўз билан, феъли билан айблаб, ҳақоратлаб, ёмонлаб пастга урмаслиги, унинг яқинларини камситмаслик;

– аёлини қайғули, хафа ҳолда кўрса, унга раҳм-шафқат кўрсатиш, ҳол сўраш, яхши сўзлар билан тасалли бериш;

– агар аёли исён ёки ахлоқсизлик қилса, эр уни тўғри йўлга солиш учун панд-насихатларни босқичма-босқич олиб бориб, тушунтириб, огоҳлантириб, яхшиликка тарғиб қилиши;

– эр аёлининг ёмон камчиликлари бўлса, тарбиялаш чораларини ахтариши, хотини яхши хулқли, ораста бўлиб, хизматларини комил адо этса, унинг ҳақиға ташаккур билдириб, дуолар қилиши, Яратганга ҳамдлар айтиши.

Аёл бажариши лозим бўлган шахсий вазифалар

Оилада аёл киши ўз умр йўлдошига ҳам-фикр, ҳаммаслак бўлса, албатта, ўша оила муқаддас оила ҳисобланади. Айни пайтда фарзандлар ҳам оналарининг оталарига нисбатан муносабатига, кўрсатаётган муомала маданиятига қараб шаклланиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Оқибатда оила меҳр-шафқат, одоб-ахлоқ, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳамдўстлик, муҳаббат каби гўзал ахлоққа асосланади. Бунинг натижасида оила мустаҳкамланади, қут-баракали, файзли бўлади. Шу маънода оиланинг меҳр-мурувватлигига эга бўлган буюк зот – меҳрибон умр йўлдош ва мукаррама она томонидан қуйидаги фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- уй ишларини, бекаликни мукамал бажариш;
- эрга нохуш сифатда кўринишдан сақланиш;
- эрига доимо итоатда бўлишга ҳаракат қилиш;
- эри ёмон кўрган кишиларни уйига киритмаслик;

- эр ҳузурида ширинсухан, хушмуомалада бўлиши;
- эрни бўлар-бўлмасга гумон қилиб, рашк қилмаслик;
- уй ичи ва ҳовлини озода, тартибли тутиш;
- эрнинг жинсий эҳтиёжини қондириш;
- заруратдан келиб чиқиб шахсий гигиенага жиддий риоя қилиш;
- тоза ва чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда юришга одатланиш;
- аёл эрининг ҳақини ўзи ва барча яқинларидан олдинга қўйиши;
- эрнинг сирларини ошкор қилмаслик, унинг ишончини йўқотмаслик;
- эр уйига кириб келганида ўрnidан туриб, очиқ юз ва табассум билан кутиб олиш;
- эрининг уст кийимини ечиб, қўлидаги нарсаси ёки юкини олиш, чанқаган бўлса, чой ёки сув бериш;
- эр хафа бўлса, ҳамдард бўлиш, хурсанд бўлса хурсанд бўлиш, қийналган кунларида камситмаслик;
- овозини эриникидан баландлатиб, беҳаёлик кўрсатмаслик, сўзидан ёки хулқидан унга азият етказмаслик;
- эри борлигида ҳам, йўқлигида ҳам уни дуо қилиш, Аллоҳдан икковларига тотувлик ва бахт-саодат тилаш;

– аёл ҳусну жамоли билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса ёмон кўрмаслиги, агар ўзи бой бўлса, бу билан ғурурланмаслиги;

– эрга ҳамиша итоатли, яъни эътиборли бўлишга ҳаракат қилиб, талабларини тинглаб, уни ўз вақтида ижро этиши;

– эр назари тушадиган жойларга эътибор қаратиш, унинг димоғига ёмон ҳид киришидан сақланиш;

– эрга тайёрланадиган таомни вақтида тайёрлашга одат қилиб, уни асло кечиктирмасликка эришиш;

– эрнинг мол ва ашёсига эътиборли бўлиб, исроф қилмаслик, асраб-авайлаш;

– қаноат соҳибаси бўлишга ҳаракат қилиш, умр йўлдоши уйга олиб келган ашёларни хушфёзлик, одоб-ахлоқ даражасида қабул қилиб олиш ва ташаккур билдириш.

Оилавий низоларга олиб борувчи сабаблар

Оила икки жинснинг бир-бири билан муқаддас никоҳ риштаси билан боғланиши орқали пайдо бўлади. Никоҳ ўқилиб, муҳр босилган дақиқадан бошлаб ўзаро ҳамжиҳатлик ўзига хос ва мос кўринишда шаклланиши лозим бўладиги, у дунёдаги барча муносабатлардан жиддий фарқ қилади. Айни шунинг учун, унинг жуда мураккаб, нозик қирраларини тушуниб етиш, ҳар бир оила эгаси учун ҳам фарз, ҳам қарздор. Шундагина бу муқаддас риштани сақлаб, асраб-авайлаб умр кечириш имкониятига эга бўлинади.

Кейинги вақтларда оила муаммоларига тўхталган қайси давра, қайси суҳбатни олманг, оиладаги салбий оқибатлар, афсусланиб айтилган сўзлар қулоққа чалинади. Ҳолбуки, муқаддас никоҳ қурилгандан сўнг унинг гавҳар каби сақланиши ҳақида диний ва миллий нуқтаи назардан кенг мулоҳазаларни ифода этувчи ҳадиси шарифлар, ҳикматли сўзлар, нақллар одоб китобларида кўпга келтирилган. Айни шу фикримизнинг далили сифатида машойихлардан бири: “Қайси миллат тилида айрилиқ деган сўз бўлмаса, ўша

миллатни қабул қилардим!” деган экан. Демак, айрилиқ киши учун нечоғли оғир мусибат экан. Айрилиқ дарди қанчалар оғир эканки, уни билмаслик, бедаво дард эканини тушуниб етмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир ёш оиланинг мустаҳкамлигида, энг аввало, ота-она масъуллигини эслатиб, уларнинг ҳар қандай салбий оқибатлардан узоқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги фикрлар ва мулоҳазаларни ўқинг, шояд, фарзандларимиз оиласи бахтли, хонадони файз-баракали, келажаги иқболли бўлса.

Ота-онадаги салбий омиллар:

- фарзанднинг оиласига кераксиз аралашуви;
- келинни ўз қизи сифатида қабул қилмаслик;
- келинга хизматчи сифатида қараш;
- ёшлар йўл қўйган айрим хатоларини кечирмаслик;
- қуда томонларнинг бир-бирига муносабатининг салбийлашуви;
- қудаликда баробарликка эътибор бермаслик;
- қуда томонидан моддий манфаат тама қилиш;

- келин ёки куёв олдида ўз обрўсини сақлай билмаслиги;
- ўз оилаларини фарзандларга ўрнак қилиб кўрсата билмаслик;
- фарзандларга бўлган муносабат ҳуқуқидан нотўғри фойдаланиш.

Эрнинг ажримга сабаб бўлиши:

- оилада эрлик масъулиятини ҳис этмаслик;
- аёлини табиий хулқини тушуниб етмаслик;
- рўзғор юмушларида аёлини яккалаб қўйиш;
- ўз ахлоқида енгилтакликка мойил бўлиш;
- оила муаммоларига совуққонлик билан ёндашиш;
- яшаш шароитини яратишга тўла ҳаракат қилмаслик;
- бойлик, мансаб каби ўткинчи нарсалар билан ғурурланиш;
- ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларига берилиш;
- аёлининг шаънини, обрўсини сақлашдан кўр-кўрона юз ўгириш;
- жамият жиноят деб санаган иллатлардан сақлана олмаслик.

Аёлнинг ажримга сабаб бўлиши:

- ноўрин мақтаниш;
- эр талабини менсимаслик;
- гап ташишлик;
- эрининг шаъни-обрўсини сақлай билмаслик;
- эр мулки ва аёллик иффатига хиёнат қилиш;
- эр ва унинг яқинларига муносиб муносабатда бўла олмаслик;
- лоқайдлик, бепарволик сабабидан уй юмушларига улгура олмаслик;
- қаноатсизлик, сабрсизлик, енгилтаклик каби салбий ахлоқларга берилиш;
- фарзанд кўрган вақтида гўдакни ювиб-тараш, соғлигини сақлаш, инжиқликларига сабр-бардош бера олмаслик билан болалар можаросига гирифтор бўлиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жалолиддин Маҳаллий ва Жалолиддин Суютий. “Тафсири Жалолайн”.
2. Муфтий Усмонхон Алимов. “Тафсири Ирфон”.
3. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”.
4. Имом Бухорий. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”.
5. Имом Муслим. “Саҳиҳ Муслим”.
6. Имом Термизий. “Сунани Термизий”.
7. Имом Насоий. “Сунани Кубро ва Суғро”.
8. Имом Абу Довуд. “Сунани Абу Довуд”.
9. Имом Ибн Можа. “Сунани Ибн Можа”.
10. Имом Доримий. “Сунани Доримий”.
11. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Табризий. “Мишкотул масобих”.
12. Шамсиддин Муҳаммад Хуросоний Кўҳистоний. “Жомеур-румуз”.
15. Аллома Муттақий Ҳиндий. “Канзул ум-мол”.

Мундарижа

<i>Сўзбоши ўрнида.....</i>	<i>3</i>
<i>Никоҳнинг муқаддаслиги</i>	<i>6</i>
<i>Никоҳни поймол қилишдан сақланинг</i>	<i>7</i>
<i>Никоҳ пайғамбарларнинг суннатиدير</i>	<i>7</i>
<i>Насл давомийлиги воситаси.....</i>	<i>8</i>
<i>Никоҳ Аллоҳ таоло наздида ибодатдир</i>	<i>8</i>
<i>Дунё лаззатларининг яхшиси</i>	<i>8</i>
<i>Ризқни зиёда қилувчи омил</i>	<i>9</i>
<i>Киши динининг ярми.....</i>	<i>9</i>
<i>Яхшилик қилувчи инсон деган ном.....</i>	<i>10</i>
<i>Хазина келтирувчи манба.....</i>	<i>10</i>
<i>Аллоҳдан қўрқининг фойдаларидан бири.....</i>	<i>11</i>
<i>Шаҳвоний тажовуздан ҳимоячи</i>	<i>11</i>
<i>Муборакбод сабабчиси</i>	<i>12</i>
<i>Оила – муборак кошона.....</i>	<i>13</i>
<i>Яхши тилак – бахт-саодат гарови.....</i>	<i>17</i>
<i>Никоҳланувчиларнинг илтижо дуолари.....</i>	<i>21</i>
<i>Эр бажариши лозим бўлган шахсий вазифалар</i>	<i>23</i>
<i>Аёл бажариши лозим бўлган шахсий вазифалар</i>	<i>26</i>
<i>Оилавий низоларга олиб борувчи сабаблар.....</i>	<i>29</i>

<i>Ота-онадаги салбий омиллар</i>	<i>30</i>
<i>Эрнинг ажримга сабаб бўлиши</i>	<i>31</i>
<i>Аёлнинг ажримга сабаб бўлиши</i>	<i>32</i>
<i>Фойдаланилган адабиётлар.....</i>	<i>33</i>

Қайдарлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Диний-маърифий нашр

Абдулҳай ТУРСУН

**НИКОҲИНГИЗ МУБОРАК
БЎЛСИН**

Муҳаррир Жамшид ШОДИЕВ

Бадий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босишга 2017 йил 22 сентябрда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 70 x 100 ¹/₃₂.

Харф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,6. Шартли б. т.: 1,2.

Адади: 5000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movaqounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*.

Тел: (0-371) 227-34-30

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.